Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

● 2013-yil, 31-yanvar. Payshanba ● 13 (31.603) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

Ижтимоий ҳимоя

## ЯНГИ МАЖМУАЛАР,

*янги иш ўринлари*

**Булунғур туманида аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, коммуникация тизимини тубдан ислоҳ қилиш билан биргаликда сервис хизмати кўлами ва самарадорлигини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Шу мақсадда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган Дастурга кўра мавжуд 10 та қишлоқ фуқаролар йиғини марказларида маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этилмоқда. Ушбу масканлар фойдаланишга топширилса, 55 та янги иш ўрни яратилади.

Туман марказида 450 ўринли замонавий буюм ҳамда 220 ўринли деҳқон бозори бунёд этилмоқда.

— Булунғур деҳқон бозори 166 ўринли бўлиб, бугунги кунда аҳоли ва хизмат кўрсатиш ташкилотларининг талабига бирмунча мос келмаётган эди, — дейди «Булунғур деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамият раҳбари, ЎзХДП фаоли Фарҳод Исломов. — Ўтган йили бозорни қайта реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Лойиҳа-смета ҳужжатларига кўра, бу ерда қўшимча 220 та савдо ўринлари барпо этилади. Қурилиш-таъмирлаш ишлари Пайариқ қурилиш-таъмирлаш хусусий корхонаси қурувчилари томонидан сифатли тарзда амалга оширилаяпти. Ҳозирга қадар белгиланган ишларнинг асосий қисми бажарилди ва режага кўра бозоримизнинг қўшимча мажмуасини Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширишни мўлжаллаяпмиз.

Жумладан, ушбу лойиҳага биноан замонавий иншоот таркибида матбуот уюшмаси шохобчалари, нуронийлар чойхонаси, маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этилади. Жами, 35 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида 35 нафар янги иш ўринлари яратилса, қуриб битказилган 220 та савдо ўринларида деҳқонларимиз ўзлари етиштирган маҳсулотларини аҳолига сотиш имкониятига эга бўладилар.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ

*уй-жой билан таъминланди*

**Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деган ибораси турмушимизда ўз тасдиғини топмоқда. Айниқса, кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизларига, боқувчисидан айрилган ҳамда етим болаларга ҳар доимгидан ҳам кўпроқ ғамхўрлик кўрсатилмоқда.**

Яқинда Нукус шаҳридаги «Дўстлик» кўчасида «Мамир хазинаси» масъулияти чекланган жамиятининг қўлигул бунёдкорлари томонидан икки қаватли турар-жой қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Эътиборли жиҳати, ушбу турар-жойнинг иккита хонадони Хўжайли туманидаги 1-сон республика Меҳрибонлик уйида тарбияланган 5 нафар ёш йигит-қизга совға сифатида берилди.

**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хорижий ва миллий тажрибани чуқур таҳлил этиб, 2013 йилнинг 1 февралидан бошлаб республика аҳолисига чет эл валютасини сотишнинг такомиллаштирилган тартиби жорий қилинаётганини хабар қилади.**

Ушбу тартиб халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган, шунингдек, мамлакатимизда ҳам ўз ижобий жиҳатларини кўрсатган жисмоний шахсларга чет эл валютасини халқаро тўлов карточкасидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда сотиш усулини қўллашни кенгайтиришни назарда тутади.

Ўзбекистонда бундай операциялар 1994 йилдан буён амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг йигирмадан ортиқ ваколатли тижорат банки томонидан халқаро тўлов карточкалари муомалага чиқарилмоқда ҳамда улардан 233 мингдан ортиқ жисмоний шахслар кенг фойдаланмоқда.

Ўзбекистондаги барча тижорат банклари «VISA International», «MasterCard» ва бошқа нуфузли халқаро тўлов тизимларининг тўлақонли аъзоси ҳисобланиб, улар реал вақт режимидаги банклараро тўловларни амалга ошириш имконини берувчи «СВИФТ» халқаро тизимига уланган.

Халқаро тўлов карточкасидан фойдаланиш дунёнинг исталган мамлакатида товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларни ўша давлатда муомалада бўлган валютада амалга ошириш бўйича ўз эгасига унинг банк ҳисобварағидаги маблағларни тасарруф этиш имкониятини яратиши билан анча устунликка эга эканлигини кўрсатмоқда. Бунда мазкур ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши нуфузли, умумэътироф этилган халқаро тўлов марказлари томонидан кафолатланган.

*(Давоми 3-бетда.)*

Фракция муҳокамаси

# ОИЛА ИНСТИТУТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

*бу ижтимоий ҳимоя тамойили кучайишида долзарб аҳамият касб этади*







**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кун тартибига киритилган қонунлар лойиҳалари муҳокама этилди.**

**Дастлаб «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.**

**Аввало таъкидлаш керакки, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонун Ўзбекистон Республикаси товар бозорларида табиий монополия субъектларининг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, истеъмолчилар, давлат ва табиий монополия субъектлари манфаатларининг мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади.**

*(Давоми 2-бетда.)*

ЎзХДП депутатлари фаолиятидан

## ТУРМУШ ОБОДЛИГИГА ЭРИШИШ

*ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига боғлиқ*

**Мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани ҳаётимиз янада фаровон, турмушимиз обод бўлишига хизмат қилмоқда. Ўтган йили ялпи ички маҳсулот 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошгани ҳам фикримиз далилидир.**

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтиришда сиёсий партиялар, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари иштирокини кучайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо қилаяпти. **Хўш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари фаолияти бугунги кун талабига жавоб бераяптими, жойларда ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини таъминлаш учун яна нималарга эътибор қаратиш лозим?** Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси, Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси **Зебо АБДУЛЛАЕВА** билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

*(Давоми 2-бетда.)*

ЎзХДП тарғибот гуруҳлари фаолиятидан

## ДЕМОКРАТИК МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИДА

*тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтириш — долзарб масала*

**Ҳар бир сиёсий партия ўз ғоя ва дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида эркин тарғиб қилади, жамиятда мустаҳкам ўринга эга бўлиш, том маънода сиёсий кучга айланиш учун рақобатга киришади.**

ЎзХДП ҳам ўз дастурий мақсадлари, мафкураси ва ғоясини кенг тарғиб этиш, партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, шунингдек, кадрлар салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада Тарғибот гуруҳлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш муҳим ўрин тутади. Шу боис тарғиботчилар гуруҳларига тажрибали партия фаоллари, халқ орасида обрў-эътиборга эга кишиларни жалб қилишга аҳамият берилмоқда.

⇨ 2

БУНЁДКОРЛИК ЗАВҚИ БИЛАН ЯШАШ БАХТИ

⇨ 3



ЗАМОНАВИЙ МАЖМУА

⇨ 4



ҚУЁШНИ СЕН УЙҒОТАСАН!

⇨ 4



Диққат, танлов!

## ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ



**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.**

⇨ 4

Фракция муҳокамаси

# ОИЛА ИНСТИТУТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

## *бу ижтимоий ҳимоя тамойили кучайишида долзарб аҳамият касб этади*

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мазкур қонунга мувофиқ, технологик хусусиятлар туфайли муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришнинг рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмас.

Қонуннинг 4-моддасида фаолияти давлат томонидан тартибга солинадиган табиий монополия субъектлари кўрсатилган. Янги қонун лойиҳаси орқали транспорт терминаллари хизматлари мазкур монополия субъектлари қаторидан чиқарилаяпти.

Шу орқали Транспорт терминаллари бозорида ноҳалол рақобатга йўл қўймаслик, бу борадаги муносабатларни «Рақобат тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ тартибга солиш кўзда тутилмоқда.

**Алишер СОДИҚОВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси:***

*— Бу ўзгартиш бозорнинг жадал ривожланишига, соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг кўпайишига, муҳими, янги иш ўринлари очилишига қулай шароит яратади. Натижада бозорда нарх-наво мувофиқлашиши, истеъмолчиларнинг эҳтиёжи қондирилиши имкони кенгаяди. Буларнинг барчаси ЎзХДП Сайловолди дастурида бандликни таъминлаш, товарлар ва хизматлар сифатини, шунингдек, аҳолининг харид қобилиятини ошириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун фракциямиз аъзолари қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.*



**Фракция аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокамадан ўтказди.**

Қонун лойиҳаси билан болаларни фарзандликка олишни (васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра) туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга ошириш тартибини бекор қилиш, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг суд тартибини жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Бу болалар ва фарзандликка олувчиларнинг ҳуқуқлари суд томонидан ҳимоялаш, фарзандликка олишнинг сир сақланишига хизмат қилиши фракция аъзолари томонидан алоҳида эътироф этилди.

**Алия ЮНУСОВА,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси:***

*— Шу ўринда таъкидлаш керакки, фарзандликка олиш билан боғлиқ муносабатларнинг такомиллашиши партиямиз дастурий мақсадларида муҳим ўрин тутувчи кучли ижтимоий ҳимоя тамойиллари мустаҳкамланишида долзарб аҳамият касб этади. Қонун лойиҳаси орқали фарзандликка олиш билан боғлиқ ҳуқуқий институтни такомиллаштириш жараёнида давлатнинг ғамхўрлиги ва ҳимоясидаги болаларнинг келажаги кафолатини таъминлаш, бунда ижтимоий адолат ҳамда ижтимоий ҳимояни кучайтириш асосий эътиборда бўлиши зарур.*

Фракция аъзолари электорат манфаатларидан келиб чиқиб, ҳар бир қонун лойиҳасини маромига етказиш бўйича тегишли таклифлар билдирди. Йиғилишда муҳокама қилинган қонун лойиҳаларини қўллаб-қувватлади.

**Йиғилишда, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.**

Таъкидландики, Қонунчилик палатасининг ўтган йилги фаолияти асосан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилди. Мазкур жараёнда ЎзХДП фракцияси партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорат манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича изчил фаолият олиб бориб, муайян натижаларга эришгани қайд этиб ўтилди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ**

ЎзХДП тарғибот гуруҳлари фаолиятидан

# ДЕМОКРАТИК МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИДА

## *тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтириш — долзарб масала*

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу ҳақда гап кетганда, ЎзХДП Наманган вилоят ташкилотлари Тарғиботчилар гуруҳлари фаолиятини алоҳида эътироф этиш мумкин. Ҳозирги кунда вилоятда ташкил этилган мазкур гуруҳларда 400 нафарга яқин партия фаоллари иш олиб бораяпти. Улар фаолиятининг бош мақсади аҳоли орасига кириб бориш, партия ғоя ва мақсадлари ҳақида кенг тушунча бериш, электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ҳамда улар ечими юзасидан депутатлик гуруҳларига таклифлар киритишга қаратилган. Шу билан бирга, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, давлат дастурларининг аҳамияти ва моҳиятини электоратга етказиш ҳам тағиботчиларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

— Ҳозирги кунда вилоят кенгашидаги тарғиботчилар гуруҳида 50 нафарга яқин фаоллар жамланган, — дейди **ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши раиси ўринбосари Гулчеҳра Зоҳидова.** — Гуруҳ аъзоларининг аҳоли, электорат вакиллари билан ишлаш тажрибасини ошириш мақсадида ойда икки марта сиёсий-ўқув, семинар-тренинглар ўтказиб борамиз. Машғулотларда тадбирларни ташкил этишда таъсирчан сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш, одамлар фикрини ўрганишнинг тезкор ва самарали усулларини ўрганиш масалаларида таклифлар берилмоқда. Шу боис ўтган йили гуруҳларимиз фаолияти анча самарали бўлди, дейиш мумкин. Хусусан, 2012 йилда вилоят партия ташкилотларидаги тарғиботчилар гуруҳлари томонидан 100 га яқин ижтимоий-сиёсий тадбирлар, давра суҳбати, учрашув ҳамда очиқ мулоқотлар ўтказилди...

Шуни таъкидлаш керакки, тарғиботчилар гуруҳлари фаолиятини намунали ташкил этиб, бошқаларга ўрнак бўлаётган туман кенгашлари талайгина. Жумладан, Наманган шаҳар, Косонсой, Учкўрғон, Тўрақўрғон ва Чуст туман партия кенгашларидаги тарғиботчилар гуруҳлари партия ғояси ва дастурий мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, электорат вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

Улар томонидан ўтказилган «Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий ва тиббий маданиятини ошириш», «Жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳамда диний экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олиш», «Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш», «Конституция — бош қомусимиз», «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий ва тиббий маданиятини ошириш» мавзуларидаги тадбирлар жамоатчилик ва электорат вакиллари эътирофига сазовор бўлди. Таъкидлаш керакки, бундай тадбирлар кишиларнинг сиёсий-ҳуқуқий дунёқараши кенгайиши, юртимиз ва жаҳонда юз бераётган воқеалар ҳақида хабардорлиги ортиши, электорат вакилларини ўйлантираётган кўплаб саволларга жавоб топилишида катта ўрин тутаяпти.

**Бироқ вилоятда мазкур гуруҳлар ишини кучайтиришга етарли эътибор бермаётган, тарғибот ишлари таъсирчанлигини оширишда сусткашликка йўл қўяётган партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Масалан, Мингбулоқ ва Норин туманлари партия ташкилотлари тарғибот гуруҳлари фаолияти самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратиши талаб этилади.**

Обод турмуш йилида тарғибот гуруҳлари аниқ режа асосида изчил фаолият кўрсатиши, маҳаллалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш зарур бўлади.

Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий билими ва фаоллигини ошириш демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП депутатлари фаолиятидан

# ТУРМУШ ОБОДЛИГИГА ЭРИШИШ

## ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига боғлиқ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, электоратни қийнаётган муаммолар ечимини топиш учун янада қатъият билан ишлашгина ижобий натижа бериши мумкин.

Мен Ғиждувон туманидаги 46-Ғалаба сайлов округидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланганман. Ҳудуд 8 та маҳаллани ўз ичига олган. Ўтган йили Тўқимачилик кўчасида ички йўлларни таъмирлаш, кузқиш мавсумига тайёргарлик ишларининг боришини депутатлик назоратига олдим. Табиий газ таъминотини яхшилаш учун «Шарқ» маҳалласида 2,34 км. линияни реконструкция қилиш ҳамда Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янгидан 4,5 км. қувурлар тортиб келиш ишлари охирига етказилди.

Тан олиш керак, фаолиятимизда камчиликлар кўп. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва минерал хом ашёни қайта ишлаш, қишлоқ жойларида замонавий хизматлар ва сервис соҳасини ташкил этиш бўйича кўп ишлар қилишимиз керак. Имконият ва шарт-шароитлар етарли. Аммо улардан унумли фойдалана олмаяпмиз.

Айтайлик, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, хизмат кўрсатиш соҳасида иш бошлайман, деган киши учун барча қулайликлар яратилган. Қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳолини ана шу имкониятлардан кўпроқ хабардор қилиш, тарғибот ишларини кучайтиришимиз керак.

***— Партиямиз дастурида аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Аммо партия дастурий мақсадларини амалга ошириш бўйича ҳамма жойда ҳам ташаббускорлик етарли эмас, назаримизда.***

— Саволингизга ўзим депутат этиб сайланган Ғиждувон тумани мисолида жавоб берсам. Эътироф этиш керакки, туманда ишлаб чиқариш, саноат анча ривожланган. Шу боис янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида ҳар йили қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Биз дастур ижроси бўйича мунтазам мониторинг олиб бориб, режага киритилган иш ўринларининг ўз вақтида очилиши ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келамиз.

Ўтган йили туманда 812 та корхонада 8 мингдан ортиқ иш ўрни очилди. Уларнинг аксарияти ишлаб чиқариш соҳасига тўғри келади. Масалан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 137 та, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш орқали 2717 та иш ўрни яратилди.



Аммо меҳнатга лаёқатли электорат вакиллари орасида вақтинча ишсизлар ҳам оз эмас. Шуни инобатга олсак, олдимизда турган вазифалар кўлами катта экани ойдинлашади. Энг аввало, кишиларни, айниқса, уй ишидан ажралиб корхона ва ташкилотда ишлаш имкони бўлмаган, бола тарбияси билан банд аёллар ва ногиронларни уй меҳнати ҳақидаги билим ва тушунчасини кенгайтириш лозим. Жойларда аҳоли билан учрашганда, кўпчилик касаначи бўлиб ишлаш қулай ва афзал эканини, унинг қонуний асослари ҳақида етарли тушунчага эга эмаслиги маълум бўлди.

**Яқинда ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда яқин атрофда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти, улар тайёрлаётган маҳсулотлар ҳажми, сифати ва тури, иш ўринларини ўрганиш бўйича махсус чоралар ишлаб чиқдик.** Шу асосда меҳнатга лаёқатли, касби, ҳунари бор электорат вакилларини касаначиликка жалб қилмоқчимиз. Ҳозир уларни корхоналарга бириктириб, қонуний меҳнат асосида ўз ишини йўлга қўйиши, оила фаровонлигини мустаҳкамлашига кўмаклашишни мақсад қилганмиз.

***— Маҳаллий Кенгаш депутати ўз фаолиятини янада кучайтириши учун нималарга эътибор бериши керак?***

— Ҳудудларда қонунлар ва давлат дастурлари ижросини назорат-таҳлил қилиш, сессия муҳокамасига киритиш учун турли соҳадаги масалаларни ўрганиш жараёнида амин бўлдимки, депутат ўзи сайланган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини яхши билиши керак экан. Шунда аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал қилиш бўйича амалий таклиф бера олади. Давлат ва маҳаллий дастурлар ижросини назорат қилишда сусткашликка йўл қўймайди.

**Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг «2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида»ги қарорида 2012 йилда ҳудудларни комплекс ривожлантиришда айрим вилоятларда имкониятдан самарали фойдаланилмагани қайд этиб ўтилган. Хусусан, саноатни ривожлантириш, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва минерал хомашёни чуқур қайта ишлаш, қишлоқ жойларда замонавий хизматлар ва сервис соҳасини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳисобига комплекс ривожлантиришни таъминлаш борасида Бухоро вилоятида ҳам мавжуд салоҳиятдан тўла фойдаланилмаётгани танқид қилинди.**

Албатта, бу борадаги камчиликларни бартараф этишда ҳудудларда саноат, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш орқали уларнинг даромадини ошириш, бир сўз билан айтганда, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим чора-тадбирлар белгилаш, айни пайтда, уларни самарали бажаришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаол иштирок этиши зарур.

**Шу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари таннархини пасайтириш мамлакат тараққиёти учун ғоятда муҳим аҳамиятга эга. Биз ўтказган таҳлилларга кўра, айрим корхоналар электр қувватидан оқилона фойдаланмаяпти, уни белгиланган микдордан ортиқча сарфлаяпти. Бу уларнинг иқтисодига сезиларли зарар келтирмоқда, маҳсулот таннархининг ортишига олиб келмоқда. Жорий йилда мазкур масалани депутатлар иштирокида чуқур ўрганиб, вилоят Кенгаши сессияси муҳокамасига киритишни режалаштирдик.**

Саноат корхоналарини модернизация қилиш, хусусан, электр қувватини кам сарфлайдиган ускуналар билан таъминлаш, бунга инвестиция жалб этиш, корхоналардаги ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг бу борадаги тажрибасини ошириш бўйича ҳам таклифлар тайёрлаш лозим, деб ҳисоблайман.

Мазкур йўналишдаги ишлар бевосита партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар билан боғлиқ. Шу боис жорий йилда депутатлик гуруҳимиз жойларда саноат, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш орқали уларнинг даромадини ошириш, шунингдек, коммунал хизматларнинг сифат даражасини юксалтириш, кўп қаватли бинолар орасидаги пиёдалар йўлаклари аҳволини яхшилаш каби масалаларни ўрганиб, бу борада аниқ таклифлар ишлаб чиқиш устида иш олиб боришни режалаштирган.

***«Ўзбекистон овози» мухбири Лазиза ШЕРОВА суҳбатлашди.***

Ижтимоий ҳимоя



# МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА

## *115 нафар киши иш билан таъминланди*

**2011 йилда Денов туманида янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, кичик корхоналар ташкил этиш, касаначилик, сервис ва бошқа соҳаларни ривожлантириш орқали 6 минг 203 киши иш билан таъминланган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 6 минг 300 тага етди.**

Денов туман Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимидан олинган маълумотга кўра Обод турмуш йилида ҳудудда 6 минг 353 киши иш билан таъминланиши белгиланган. Дастур бўйича жорий йилда 12 марта бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилади. Бунда биринчи галда, ногиронлар, коллеж битирувчилари, хотин-қизларнинг бандлиги таъминланиши режалаштирилган. Шунингдек, Қуролли Кучлар сафидан бўшаган, жазодан озод этилган ва амнистия акти билан озодликка чиққан аҳоли тоифалари биринчи навбатда ишга жойлаштирилади.

Яқинда туман ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган дастлабки Меҳнат ярмаркасида 124 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд 311 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Натижада 115 нафар киши иш билан таъминланди.

— Ўтган йили касб-ҳунар коллежини тамомлагандим, — дейди **туманнинг «Оловуддин» маҳалласида истиқомат қилувчи Азизбек Мелиалиев.** — Соҳам бўйича туман Маданият ва спорт ишлари бўлимига ишга қабул қилинганимдан хурсандман.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

2013 йил — Обод турмуш йили

# БУНЁДКОРЛИК ЗАВҚИ БИЛАН ЯШАШ БАХТИ

**Ҳар бир одам умр бўйи бахт излаб яшайди. Халқимиз бу саодат манзилини аввало фарзандлари саломатлиги, рўзғори ободлиги, юртининг тинчлиги ва фаровонлигида кўради.**

**Аждодларимизнинг қон-қонига сингиб кетган бунёдкорлик салоҳияти ва иштиёқи мангу яшайди. Майса нурга талпинганидек, халқимиз ҳам ҳамиша ободликка интилиб яшайди. Бу, айниқса, мустақиллик йилларида ҳар бир юртдошимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётир.**

## ОБОДЛИК — ТИРИКЛИК ИФОДАСИ

Обод сўзининг луғавий маъноси «сув етиб борган жой» демак. Ободлик — меҳнатсеварлик, бунёдкорлик маҳсули. Халқимиз бадиий эпик тафаккуридаги қаҳрамонлар ҳам ҳамиша эл-юртга сув келтириш — ободлик йўлида курашган.

Ота-боболаримиз жойларни номлашда ҳам обод сўзига мурожаат қилган: Бекобод, Шеробод, Халқобод, Деҳқонобод...

Мустақиллик йилларида халқимиз ана шундай мезон ва мақсадлар, бунёдкорлик завқи билан яшаб келмоқда. Давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, бунинг самарасида 2000 йил билан таққослаганда, реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди, сўнгги ўн йилда аҳолининг банклардаги омонатлари ўсиши 40 баробардан зиёд ошди.

Узоққа бормайлик, ўн бешйигирма йил олдин уйимизга келган меҳмонга дастурхон тузаш ҳам бир муаммо эди: иккита нон, бир пиёла чой, майиз ё ерёнғоқ, қовурилган картошка ёки устига тухум бостирилган ош. Бир томондан қўлнинг калталиги, иккинчи томондан дўкону бозорлардаги танқислик.

Илгари аксарият уйлар шунчаки оҳаклаб қўйилар, «хона гуллатиш» — девору шифтларга тасвир ёки нақшлар солдириш — бадавлатлик белгиси саналарди. Бугун Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқларимизда ҳар йили намунавий лойиҳа асосида минглаб бир-биридан чиройли ва замонавий уйлар қурилмоқда. Уларда ҳар бир инсон ҳаётидан рози бўлиб яшаши учун етарлича замонавий шароит яратилган.

Ёки олдинлари қишлоқда ягона ҳаммом бўлар (шу ҳам ҳамма қишлоқда йўқ эди), улар бузилгач, тоғора жонивор қишда печканинг олдига, ёзда ошхона ё бошқа хонага кўчиб юрарди. Бугун бу масалада ҳам одамлар ўзига етарлича шароит яратмоқда.

Қишлоқдан шаҳарга қатнашни эслайлик: одамлар кунига бир марта бориб-келадиган автобус ё юк машинасига улгуролмай сарсон эди. Муайян қишлоқ ё маҳаллага бировни излаб борсангиз, машинасининг рақамини айтиб дарров топса бўларди: автомобиль жуда кам эди-да. Бугун эса мамлакатимиздаги ҳар уч оиладан бири шахсий машинасига эга.

Хонадонларда, одатда, икки хил хонтахта бўларди: бири оилага, иккинчиси, албатта яхшироғи, меҳмон кутиш учун мўлжалланган. Диван, кресло, музлатгич, кир ювиш машинаси, видеомагнитофон, чангютгич, биллур идиш-товоқ мана ман деганларда ҳам йўқ эди.

Бугун бу буюмлар ҳар бир хонадонда бор. Энди уларга ҳеч ким эътибор ҳам бермайди. Бу халқимизнинг турмуш даражаси, шу билан бирга, онгу тафаккури ва дунёқараши ўзгариб бораётганининг ҳаётдаги бир кўриниши. Айниқса, бу борада мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган мебель, маиший техника ва бошқа уй-рўзғор буюмларини харид қилиш учун банкларимиз томонидан ажратилаётган истеъмол кредитлари муҳим омил бўлмоқда. 2012 йилда ана шу мақсадларга 71 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

— Мустаҳкам оила йилида банкдан олинган истеъмол кредити эвазига музлатгич, чангютгич ва ошхона жиҳозлари харид қилдик, — дейди зангиоталик Ҳайбатулло Хўжаев. — Замонавий буюмлар билан рўзғорингиз бут бўлса, нафақат уй-рўзғор юмушлари енгиллашаркан, балки одамнинг диди, ҳаётга муносабати ҳам анча ўзгарар экан.










## ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Ўтган йилларда юртдошларимиз орасида ҳунармандчилик, гулчилик, кўчат етиштириш, иссиқхоналар қуриш, паррандачилик, интенсив боғ барпо этиш анча кенгайди. Илгари лалми ердаги ҳосил табиатнинг ҳиммати эди, бугун томчилатиб суғориш деҳқончиликнинг ажралмас қисмига айланмоқда.

Деҳқонларимиз уйида пальма ниҳоли, мандарин, апельсин каби тансиқ маҳсулотларни етиштирмоқда. Ўтган йили Сурхондарёда зайтун ҳосилга кирди. Яқинда Бўстонлиқ туманида 42 ёшли тадбиркор Бахтиёр Ҳакимовнинг ўзи ясаган инкубаторида Африка қора туяқушларини кўпайтираётгани анча шов-шув бўлди.

Бу мисолларда ўзбек халқининг ҳавас қилгулик тадбиркорлик маданияти намоён.

...Музработлик Алия Имомбердиева гиламдўзлар сулоласининг тўртинчи авлоди. Эндигина 25 ёшни қаршилаган Алия бугун 7 нафар ишчи ва 11 касаначига бош. Улар табиий ипак ва қўй жунидан турли хил гилам тўқийди. Бўяш учун рўян илдизи, ёнғоқ ва пиёз пўстлоқларидан табиий ранг тайёрлайди.

Алия қисқа вақт ичида мамлакатимиздаги икки юздан зиёд хотин-қизга гилам тўқиш ҳунарини ўргатди. Демак, шунча рўзғордаги барака янада кўпайди. Шунинг учун ҳам Алия «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг мамлакат босқичида «Устоз-шогирд» мактабини ташкил этган энг яхши ҳунарманд» номинациясига сазовор бўлди.

— Момоларим ҳам гилам тўқишган, аммо уларнинг меҳнати маҳсули ва самараси ҳовлисидан нарига чиқмаган, чунки уларда бугунгидек катта имкониятлар бўлмаган, — дейди А.Имомбердиева. — Бугун ҳунармандлик, оилавий тадбиркорлик ривожи учун яратилаётган кенг шароитлар туфайли хорижда ишлаб чиқарилган 4 тикув машинаси ва 16 гилам тўқиш ускунасига эга бўлдим. Германия, Малайзиядаги кўргазмаларда қатнашдим. Энди банкдан 4 миллион сўм кредит олиб, ўқув маркази ташкил этяпман. Яна кўплаб хотин-қизларимизга гиламдўзлик сирларини ўргатишни, шу йўл билан янги иш ўринлари яратишга ҳисса қўшишни мақсад қилганман.

Ўтган йили Оқтош тадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежини битирган нарпайлик Шаҳноза Тоғаева тикувчилик билан шуғулланарди. «Микрокредитбанк»дан 1,8 миллион сўм кредит олгач, фаолияти анча жонланди. Ҳозир сингиллари билан 8 хил кийим-кечак ва пардалар тикмоқда. Ўзининг айтишича, бу маҳсулотлар ички бозорда жуда харидоргир. Келажакда яна кредит олиб, тикув цехи, ўқув маркази ташкил этмоқчи.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зеро, одамларнинг интилиши қўллаб-қувватланаётган мамлакатимизда ташаббус кенг қулоч ёзмоқда. Яратиш ва яшнатиш завқидаги йигит-қизларимиз жамиятга наф келтириш билан бирга, ўз ҳаёт мазмунини ҳам англаб етаётир.

## ТУРМУШ ЧИРОЙИ

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида тириклик мазмунини ҳалол ҳаёт ҳаловатида деб биладиган инсонлар билан бирга фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳою ҳавасга берилган кимсалар дунёқарашлари тўқнашувидан ҳосил бўладиган саволлар ҳануз ўткир ва долзарб бўлиб қолаётганини таъкидлайди: «Агар одамзот бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бақувват, иймони бутун, виждони уйғоқ бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қандай маъноси қолади?».

Чиндан ҳам, ҳар бир инсон онгу қалбида кечадиган тан ва руҳ курашида иймону виждоннинг мағлуб бўлиши жамиятда катта ижтимоий-маънавий муаммоларни келтириб чиқаради. Бунинг олдини олиш эса аввало ёшларни ҳаётга тайёрлаш, уларга тўғри тарбия беришга боғлиқ. Зеро, халқимизнинг «Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик» деган мақоли замирида ҳар бир одамнинг ўз меҳнати билан аввало ўзига, оиласига, қолаверса, эл-юртига наф келтириши мужассам. Аслида ҳам обод ҳаётга — фаровонлик, тўкинлик, мўл-кўллик, қут-баракага самарали меҳнат билан эришиш мумкин.

— Ҳудудимиздаги уч минг икки юздан зиёд аҳолининг қарийб 24 фоизи ёшлардир, — дейди Марҳамат туманидаги «Мингтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Хайрихон Эгамбердиева. — Кейинги ўн-ўн беш йил ичида ҳалол меҳнати туфайли одамларнинг фаровонлиги ҳам ошди.

Масалан, ўн йилча олдин маҳалламизда кам таъминланган 97 оила мавжуд эди, ҳозир уларнинг сони бор-йўғи 17 тани ташкил этмоқда. Аксарияти банклардан имтиёзли кредитлар олиб, ўз бизнесини йўлга қўйди. Натижада, ҳам рўзғорига барака киряпти, ҳам одамларга наф келтиряпти.

Илгари уй бекаси деганда кўпроқ эрининг қўлига қараб қолган аёллар тушунилган бўлса, бугунги бекалар уй-рўзғор ташвишидан ортиб, касаначилик билан машғул. Кимдир пишириқ, қатлама ё торт пиширса, биров тўн қавийди, кийим тикади. Ҳам вақт самарали ўтади, ҳам рўзғорга барака киради. Шу туфайли ички бозорда арзончилик. Одамлар тафаккурининг ўзгаргани, ҳаётга интилиши ва дунёқарашининг юксалаётгани — ана шу.

## МАНГУ МАЪНАВИЙ АСОС

Бунёдкор одам — ўз йўли ва манзилига эга одам. Унинг ҳаёт ҳақида ўз фикри бор. Бундай одамни йўлдан оздириш, чалғитиш, адаштириш қийин.

Бу ҳақиқат ўтган йил охирида дунё бўйлаб тарқалган охирзамон ҳақидаги миш-мишлар мисолида инсониятга яна бир бор эслатилди. Ўшанда айнан иродаси ожиз, иймони суст, энг асосийси, эртанги кунга ва ўзига ишончи йўқ кимсаларгина ваҳимага тушди. Баъзи давлатлар фуқароларини тинчлантириш учун расмий баёнотлар беришга ҳам мажбур бўлди.

Шукрки, халқимиз бу каби миш-мишларга парво ҳам қилгани йўқ. Чунки халқимиз меҳнатидан, турмуши ободлиги ва фарзандлари камолидан завқ олиб яшайди. Шу йўлда уй қуради, тўй қилади, ниҳол экади. Ҳар куни ҳаёт ташвишлари билан кунни қаритаётган, шундан завқ ва ҳаловат топаётган ҳамюртларимизнинг кундалик ҳаёти бунга далил.

Ўз қарашлари ва мезонларига эга, йўли ойдин, манзили ёруғ халқ карвонини ҳеч қандай куч чалғитолмайди. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, халқимизнинг қалбида не-не авлодлардан мерос енгилмас куч — маънавият бор.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Миллий матбуот марказида

# ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

## мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширмоқда, аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда

**«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси томонидан матбуот анжумани ўтказилди.**

Тадбирни кириш сўзи билан очган **компания раиси ўринбосари Шерзод Исматиллаев** мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби темир йўл тизимида ҳам Президентимиз ташаббуси билан изчил ислоҳотлар ва юксак бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб келинаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ўтган даврда республикамизнинг шимолий ва жанубий ҳудудларини боғлайдиган «Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус» ҳамда «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл линиялари қурилди. Ўзбекистон темирйўлчилари томонидан Афғонистон тарихида илк бор «Ҳайратон — Мозори Шариф» темир йўли бунёд этилди. Марказий Осиё минтақасида энг биринчи бўлиб юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» поездлари қатнови йўлга қўйилди. Шунингдек, ўтган йиллар мобайнида минглаб километр янги темир йўллар ишга тушди ҳамда 50 дан зиёд кўприклар барпо этилди. Қолаверса, тармоқнинг саноат корхоналарида вагон-цистерналар, ёпиқ ва бошқа турдаги махсус вагонлар, энг замонавий йўловчи ташиш вагонлари қуриш йўлга қўйилди.

Компания 2012 йилда ўзининг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи барча режаларни ортиғи билан бажариш билан бирга, сифат кўрсаткичларини ҳам яхшилашга эришди. Хусусан, компаниянинг темир йўл бекатларидан 62 миллион тонна юк жўнатилиши таъминланди. Экспорт юкларини ташиш ҳажми 110,2 фоизга кўпайиб, 6,7 миллион тоннани ташкил этди. 17,2 миллион йўловчи ўз манзилларига етказиб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, барча қайд этилган кўрсаткичлар 2011 йилга нисбатан 102 фоиздан 114,4 фоизга ошириб бажарилиши билан бирга 290,9 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт хизматлари кўрсатилган.

Шунингдек, маҳаллий хомашё асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш давлат Дастурига мувофиқ умумий қиймати 117,3 миллиард сўмни ташкил этувчи 20 та лойиҳа амалга оширилди. Пойтахтимизда ўтказилган халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржада умумий қиймати 122,7 миллиард сўмлик, жами 55 та шартнома имзоланди. Натижада 651 та янги иш ўрни ташкил қилинди.

«Урганч» ҳамда «Жиззах» темир йўл вокзаллари қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Тадбирда компаниянинг 2013 йилдаги режалари тўғрисида ҳам йиғилганларга маълумот берилди. Жумладан, 240 километрлик темир йўллар реабилитация қилинади. «Мароқанд — Қарши» темир йўл участкасини электрлаштиришни якунига етказилади, «Қарши — Термиз» темир йўл участкасини электрлаштириш давом этади, қуёвмеханика заводи реконструкцияси йил охиригача якунланади.

**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Шу билан бирга, халқаро тўлов карточкаларидан фойдаланиш, нақд валютадан фойдаланишдан фарқли равишда, маблағларнинг хавфсизлиги ва сақланишини кафолатлайди. Хусусан, тўлов карточкаси йўқолган тақдирда ҳам маблағлар банк ҳисобварағида сақланаверади ҳамда ундан фақат эгасининг ўзи фойдаланиши мумкин бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, валюта айирбошлаш жараёнини янада соддалаштириш мақсадида, 2013 йилнинг 1 февралидан бошлаб ваколатли банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган барча жисмоний шахсларга чет эл валютасини нақдсиз шаклда, уларнинг шахсий банк пластик карточкасидаги миллий валютани чет эл валютасидаги халқаро тўлов карточкасига ўтказиб бериш йўли билан сотиш механизмини жорий этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Чет эл валютасининг жисмоний шахсларга нақд пулсиз шаклда сотилиши билан боғлиқ барча операциялар ваколатли банкларнинг вилоят, шаҳар ва туман филиалларида очилган ҳамда аҳолига тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш бўйича барча зарур техник ускуналар билан таъминланган махсус конверсион операциялар бўлимлари орқали амалга оширилади.

Жисмоний шахслар чет эл валютасини сотиб олиш учун ваколатли банкларнинг конверсион операциялар бўлимига фақат қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур:

— шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, яшаш гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет);

— чет эл валютасини сотиб олиш учун белгиланган шаклдаги ариза;

— валюта айирбошлаш операциясини амалга ошириш учун банк ҳисобида етарли миқдордаги миллий валюта мавжуд бўлган шахсий банк пластик карточкаси.

Банкнинг масъул ходимлари тез ва қисқа муддатда ариза берувчи-жисмоний шахснинг хорижда барча ҳисоб-китобларни чекланмаган ҳолда амалга ошириш имконини берувчи халқаро тўлов карточкасига чет эл валютасини ўтказиб бериш орқали валюта айирбошлаш операциясини амалга оширишга мажбур.

Мамлакатимиз аҳолиси ва чет эл фуқароларидан чет эл валютасини сотиб олишнинг амалдаги тартиби ўзгармасдан қолади. Яъни ваколатли банклар аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ваколатли банклар ва уларнинг филиаллари биноларида, аэропортларда, темир йўл вокзаллари, меҳмонхоналар, божхона постларида ҳамда бошқа жамоат жойларидаги айирбошлаш шохобчалари орқали чет эл валютасини чекланмаган миқдорда сотиб оладилар.

2013 йилнинг 1 февралидан жорий этилаётган чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш тартиби фақат жисмоний шахслар томонидан амалга оширилаётган валюта айирбошлаш операцияларига татбиқ этилиб, юридик шахслар учун жорий халқаро операцияларни амалга оширишда чет эл валютасини сотиб олишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат этиш мумкин: (8 800) 200-00-44, (8 371) 212-60-18.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Хориж

# КИБЕРҲУЖУМЛАР

## содир этилмасдан олдин чора кўришга ҳақли

***Сингапур парламенти «Компьютердан ғайриқонуний фойдаланиш тўғрисида»ги қонунга тузатишлар киритиб, уни «Компьютердан ғайриқонуний фойдаланиш ва киберхавфсизлик тўғрисида» деб номлади.***



«SecurityLab» нашри хабарига қараганда, ушбу қонун Ички ишлар вазирлигига киберҳужумлар содир этилмасдан олдин чоралар кўриш мажбуриятини юклайди. Аввалги қонунда эса киберҳужум содир этилгачгина уни амалга оширган шахс ёки ташкилотга нисбатан чоралар кўриларди.

Эндиликда киберҳужум содир этилиши хавфи аниқланса ва бу исботланса, айбдорга нисбатан 10 йилгача қамоқ жазоси ва 50 минг Сингапур доллари (тахминан 41 минг АҚШ долларига тенг) миқдорда жарима белгиланади.

Маълумки, киберҳужумлар мамлакат тинчлигига, иқтисодиётига, ижтимоий ҳаётига, ташкилотлар ва бошқа барча муассасалар фаолиятига жиддий хавф туғдиради.

# ЭҲТИЁЖДАН 2 БАРАВАР ОРТИҚ

## озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади

***Британия муҳандис-механиклари жамияти экспертлари ҳисоб-китоб таҳлиллари шундан далолат бермоқдаки, ҳар йили сайёрамизда етиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг деярли 30-50 фоизи, яъни 2 миллиард тоннага яқини чириб йўқ бўлиб кетмоқда.***



Таҳлилларга қараганда, дейилади «BBC» ахборотида, бир неча омиллар исрофгарчиликнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда: ҳосилни йиғиштиришга куч етишмаслиги; ҳосилни сифатли сақлаш учун шароитнинг йўқлиги; маҳсулотлар савдосида қатъий назоратнинг сустлиги ва истеъмолчиларнинг исрофгарчилиги.

Мисол учун, Буюк Британияда ҳар йили 30 фоиз сабзавот ташқи кўриниши ёмон бўлгани учун далаларда ёки омборхоналарда қолдирилади ва натижада улар чириб кетади.

Диққат, танлов!

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2012 йилнинг 31 мартидан 2013 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2013 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

**Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.** Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

«Олтин қалам» танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:**

- *муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;*
- *муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;*
- *паспорт нусхаси.*

***Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни — 2013 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.***

**Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.**

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30, 35-хоналар.**
***Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.***

**www.Journalist.uz**

Болалар спорти



# ЗАМОНАВИЙ МАЖМУА

**Қашқадарё вилояти Косон тумани Гувалак қишлоғидаги болалар спорти мажмуаси тарбияланувчилари орасидан чиққан мамлакатимиз чемпионлари, нуфузли халқаро мусобақалар ғолиблари сафи кенгайиб бормоқда.**

Замонавий шарт-шароитга эга мажмуага малакали мураббийлар жалб қилинган. Бу ерда спортнинг 7 тури бўйича 629 ёш спортчи маҳорат сирларини ўрганмоқда.

Бадиий гимнастика, миллий кураш, баскетбол, қўл тўпи, ўзбек жанг санъати, белбоғли кураш, эркин кураш бўйича машғулотлар юқори савияда олиб борилаётир.

Спортчи ёшларнинг 474 нафарини қизлар ташкил этади.

***Суратларда:*** *(юқорида) Бадиий гимнастика бўйича бош мураббий Дилафрўз Абдураҳимова шогирди Олима Боймонова билан; дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпиони Наргиза Арабова ва иқтидорли курашчи Собир Соҳибназаров.*



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Тадбир

# АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ ЗАРАРИ ҲАҚИДА

*ёшларга батафсил маълумот берилди*

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг хулосаларига кўра, узоқ умр кўришнинг 8-10 фоизи тиббий хизматга, 20 фоизи ирсий омилларга, 20 фоизи атроф-муҳитга, 50 фоизи эса турмуш тарзига боғлиқ экан. Бундан кўриниб турибдики, соғлом турмуш тарзи узоқ умр кўришнинг гарови ҳисобланади.**

Мутахассисларнинг таъкидлашича, битта сигаретда қарийб 200 хил зарарли модда мавжуд. Улар лаб, оғиз бўшлиғи, томоқ, ўпка, ошқозон, буйрак ва жигарни заҳарлайди. Рак хасталиги келиб чиқишига ҳам сабаб бўлади. Чекиш мия фаолиятини сусайтиради. Ичкилик эса жигарга зарарли таъсир кўрсатади, натижада жигар циррози юзага келади. Алкоголизм папреатит, қанд касаллиги, степокардия ва миокард инфаркти касалликларига олиб боради.

Яқинда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ва халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи ташаббуси билан вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят Наркология ва онкология диспансери ҳамкорлигида Қарши Политехника касб-ҳунар коллежида «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш соғлиққа зарардир» мавзусида тадбир ўтказилди.

Унда ҳар бир киши ўз саломатлиги ҳақида ўзи қайғуриши, саломатликни қадрлаш, спорт билан мунтазам шуғулланиш, бу борада ота-оналар ёшларга ибрат кўрсатиши лозимлиги таъкидланди.

**Музаффар ТУРОПОВ**

**ОБ-ҲАВО** *31/I — 1/II. 2013*

**Юртимиз бўйлаб (°С)**

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | 0 / +5 | +2 / +7 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +4 / +9 | +13 / +18 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +3 / +8 | +13 / +18 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +7 / +12 | +15 / +20 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | 0 / +5 | +7 / +12 |
| Тошкент шаҳри | +6 / +8 | +13 / +15 |

**Дунё бўйлаб (°С)**

| | |
|---|---|
| Лондон | +6 / +1 |
| Париж | +4 / +7 |
| Москва | -6 / -3 |
| Мадрид | +4 / +3 |
| Пекин | -3 / -2 |
| Канберра | +13 / +13 |
| Рим | +8 / +7 |
| Афина | +5 / +5 |
| Токио | +2 / +4 |
| Стокгольм | -5 / -10 |
| Кейптаун | +18 / +19 |
| Қоҳира | +9 / +7 |
| Гавана | +21 / +20 |
| Вашингтон | +6 / +5 |

Тошкент давлат медицина институти (Тошкент тиббиёт академияси) томонидан 1980 йилда Халилов Мухсин Латыфович номига берилган ЖВ-1 №169252 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 7-умумтаълим мактаби томонидан 2004 йилда Миртолипов Мирвоҳид Мирсожитович номига берилган №1498889 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент молия институти жамоаси иқтисод фанлари доктори, профессор **Темурхон МИРОҚИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

***Газетанинг навбатдаги сони 5 февраль, сешанба куни чиқади.***

Маданият





# ҚУЁШНИ СЕН УЙҒОТАСАН!

**Ўзбек Миллий академик драма театрида Қўчқор Норқобилнинг «Қуёшни сен уйғотасан!» номли драмаси намойиш этилмоқда.**

Ушбу саҳна асари замонавий қаҳрамонлар тимсоли, реал ҳаёт фалсафасига асосланган воқелик ифодасини кутаётган театр ихлосмандлари учун ўзига хос туҳфа бўлди.

Спектакль қисқа вақт ичида кўп сонли мухлислар олқишига сазовор бўлиб, театр репертуаридан мустаҳкам ўрин эгаллади. Спектаклнинг ютуғи шундаки, асарда замонамиз қаҳрамони образи ҳаётий воқеликлар гирдобида ўзлигини асраб қололган, қатъиятли, қалбида ишонч ўти сўнмаган, иродаси мустаҳкам инсон қиёфасида намоён бўлади.

Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорлари томонидан саҳналаштирилган ушбу спектаклда халқимизнинг энг улуғ инсоний фазилатлари намоён бўлади. Унда оила шаъни, унинг мустаҳкамлиги, инсон қадр-қиммати, ор-номуси, кишилар орасидаги меҳроқибатнинг нақадар муҳимлиги ўзига хос услублар ёрдамида очиб берилган. Спектакль қаҳрамони — орзу-мақсадлари йўлида қатъият билан олға интилаётган аёл ўз тақдирини жамият равнақи, Ватан тинчлиги билан узвий боғлиқ ҳолда кўради. Бу образ орқали юртини дилдан севган, унинг фаровонлиги учун ўз ҳиссасини қўшишни инсоний бурчи деб билган, бунинг учун барча тўсиқларни матонат билан енгиб ўтишга тайёр инсон тимсоли гавдаланган.

Саҳна асарида ҳуқуқшуносларнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилувчи, уларнинг кундалик иш фаолияти билан боғлиқ ҳаётий жараёнлар ҳам акс эттирилган.

Таниқли ижодкор, драматург Қўчқор Норқобил пьесада оддий қишлоқ одамларининг бугунги турмуш тарзи ва интилишларини таъсирчан бадиий ифода орқали маҳорат билан тасвирлаган бўлса, театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров спектаклни халқона ифодалар, ҳаётий фалсафа уйғунлигида муваффақият билан саҳнага олиб чиққан.

**Манзура БЕКЧОНОВА,**
**«Туркистон-пресс».**

Солиқ ислоҳоти

# СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**даромад ошиши, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади**

**Кейинги йилларда мамлакатимизда солиқ юки босқичма-босқич енгиллаштириб борилмоқда. Мисол учун, даромад (фойда) солиғи 2005 йилда 15 фоиз, 2007 йилда 12 фоиз, 2008 йилда 10 фоиз эди, жорий йилдан эса 9 фоиз қилиб белгиланди.**

Бундан кўриниб турибдики, айни вақтда хўжалик юритувчи субъектлар даромадларидан етти йил аввалгига нисбатан 6 фоиз кам солиқ тўлашмоқда. Бундай ўзгаришларни бошқа солиқ турларида ҳам кўриш мумкин.

2013 йил учун ишлаб чиқилган солиқ сиёсати концепцияси ҳам ана шу жараённи изчил давом этаётганидан далолат бериб турибди.

Президентимизнинг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан, солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ механизмини соддалаштириш ҳамда солиқ имтиёзларини оптималлаштириш ва унификация қилиш назарда тутилган.

Мазкур қарорга мувофиқ, аҳоли даромадлари ва харид қобилиятини ошириш мақсадида, 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қуйи шкаласи бўйича солиқ ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилди. Шунингдек, 2013 йил 1 январдан бошлаб қўшимча фойда солиғидан ташқари, барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини тақдим этиш ҳам бекор қилинди.

**Бу каби имтиёз ва имконият берилаётгани боис, жорий йилда корхона ва ташкилотлар зиммасидаги солиқ юкининг камайиши натижасида биргина Наманган вилоятида қарийб 4181,5 миллион сўм миқдоридаги маблағ корхоналар ихтиёрида қолиши кутилмоқда.**

Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қоладиган маблағ, биринчи навбатда, ишчи-хизматчилар моддий манфаатдорлигини оширишга, корхона базасини кенгайтиришга, янги иш ўринлари яратиш ва замонавий дастгоҳлар сотиб олишга йўналтирилмоқда.

Яна шуни таъкидлаш керакки, бундай имтиёзлар ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағларини кўпайиши ва уларни товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳамда сотиш ҳажмларини ошиши натижасида солиқ солиш базасини кенгайтирилишига, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидаги бoқиманда қарздорликни қисқартирилишига ҳамда солиқ ва тўловларнинг йиғувчанлик даражаси оширилишига имкон яратмоқда.

Айни пайтда солиқ соҳасида бўлаётган ўзгаришлар ва янгиликлардан солиқ тўловчиларни хабардор этиш мақсадида вилоятнинг шаҳар ва туманларида жадвал асосида семинарлар ташкил этилмоқда. Унда мутахассислар солиқ тўловчиларнинг қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб бермоқда.

**Шуҳрат АҲМЕДОВ,**
**Наманган туман ДСИ бошлиғи.**

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G‘ULOMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO‘LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma’naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ‘ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 146
19605 nusxada bosildi.

Nashr ko`rstkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 20.20
Topshirilgan vaqti — 23.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5